



«O‘ZBEK TILI TARAQQIYOTI VA XALQARO HAMKORLIK MASALALARI»

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy
anjuman materiallari

2019-yil 29-oktabr

TOSHKENT - 2019

Бобоғров Гайбулла, Зиёев Шерзод “Ўрхун-Эпасой битиктошлари тили” ва туркий тилларнинг прототурк даври	137
Бақриддинова Башират Антик мактаб қўлланмалари – ўқув лугатлари тарихига доир	148
Жўрақўшиев Нодирбек Қадимги туркий мифологиянинг турк-будда манбалари	155
Хелмуродова Муштарий «Qutadg'u bilig»dagi arabcha o'zlashmalarning hozirgi o'zbek adabiy tiliga munosabati	162
Давлатова Адиба Абдулла Орипов лирикасида қадимги туркий сўзлар	166
Хайитов Шухрат «Хагги Бобурий» ва унинг ўрганилиш тарихи	172
Мухаммадиева Дилафруз Шарқ халқларида “Бобурнома”нинг таржималари таҳлили	178
Soatova Gulzoda To'ng'ich javhar	187
III ШЎЪБА. ТУРКИЙ ТИЛЛАР ҚИЁСИ	
Isa Nabibbayli Azərbaycan-Özbəkistan əlaqələrində mühüm addım: “Azərbaycanca-özbəkçə, Özbəkçə-azərbaycanca lügət”	193
Аширбоев Самихон XXI асрда ўзбек тили ва унинг қардош республикалардаги тақдири	197
Erhan Giray Türkiye’de Özbek Türkçesi Grameri Üzerine Yapılmış Bilimsel Kitap ve Lisansüstü Çalışmalar (1985-2019)	202
Ескеева Мағрипа Современная тюркология в Казахстане: лингвистический аспект	209
Толёкова Элмира, Омуралиев Сағын «Төрт түлүк» концептинин лингвомаданият багытында изилденүүсү	216
Тог’аев То’лқин, О’лканова Гулобар “Institutionum linguae Turcicae libri quatuor” va “Devonu lug’otit turk” asaridagi ayrim maqollar qiyosi	222
Ahmedova Nargiza O'zbek tili o'g'uz lahjasi va turk tilida bir xil qo'llanuvchi so'zlar tahlili	227
Мусабекова Урзада Роль и статус женщины в средневековом тюркском обществе	230
Ашурова Гулбаҳор Мустақиллик даври ўзбек – озарбайжон адабий алоқаларининг ўрни ва аҳамияти	233
Возорова Сабоҳат Kutadgu Bilig Eserindeki Atasözlerine Anlamca Yakın Olan Özbek ve Türk Atasözleri, Vecizeler	240
Бўронов Анвар Туркий тилларни қиёсий ўрганиш ва олтойшуносликни фан сифатида ривожлантириш истиқболлари	245
Тиллаева Муяссар, Норбаева Шукуржон Хоразм шеваларидаги айрим сўзларнинг Ҳинд-Европа тиллари лугат фондига қиёсидан	253
Ирзаев Баҳром, Рахимов Наврўз Имло йўлида қураш: имло ислохоти ва умумтуркий ёзув тарихидан	258

5. Гулчинн Маъоний Аҳмад. Раҳнамон ганжинаи Куръон. – Техрон, 1965; Гулчинн Маъоний Аҳмад. «Мусҳафи бобурий», Номан остони кудс. 1966, №20, – Б. 60-64.
6. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома» / Наһрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т. Шарқ НМАК, 2002. – Б.335.
7. Yücel Bilâl. Babür Divânı, Atatürk Kültür Merkezi Yay. – Ankara, 1995. – Б.16.
8. Muhammed Sâbir, Babürî Script, Dawn Gazetesi, Karaçi 29 Ocak 1964, Vol. XXIII, nr. 29.
9. Reşid Rahmeti Arat, Babur ve Yazısı, Türk Kültürü, – Ankara, 1964, sayı 17.
10. Tancu Seyhan «Mübayyin der fikh» – İstanbül, 2004.
11. Фозил Нишобурий Фазлуллоҳ. Куръони нафис ва мунхасир бафарди Бобурий «Куръони пумора 50 ва рози хати ихтироъий он» («50 рақамли» Нафис ва ягона Куръон ва ихтиро қилинган хатнинг сирини) // «Номан остони кудс», 1998, №2.
12. Ҳалим Ёркин. «Бобурий хат»нинг ўрганилиши // Адабиёт кўзгуси, – Т., 2006, №9. – Б.31-33.
13. Ҳабибий А. Заҳриддин Муҳаммад Бобуршоҳ, – Кобул, 1974.

Шарқ халқларида “Бобурнома”нинг таржималари таҳлили The analysis of translations of “Baburnoma”

Муҳаммадиева Дилафруз Ахтамовна*

Annotation: From the day of its creation, “Boburnoma” has gone through various times, it has always attracted the attention of orientalists from different countries and for several centuries it continues to be a handbook for readers. There is not any research work in studying of Bobur’s oeuvre on comparing translations of “Boburnoma” into European languages with translations into Uzbek. Only in some scientific works certain information may be found. To determine the literacy of translations into other languages, to establish scientific significance through their comparison is an important aspect for the study of the literary and cultural ties of the Uzbek people with other peoples. Namely these aspects are researched in this article: the study of the “Boburnoma” by European peoples and the specifics in their translations.

Keywords: “Boburnoma”, memoir, translation, original version, manuscript, copy, translator, orientalist.

“Бобурнома” бадий, тарихий, ёдном асар сифатида адабиётшунос, тарихчи ва тилшунослар, яна бир қатор мутахассисларга қимматли маълумот бера олувчи бебаҳо ганжинадир. Асар дастлаб “Вақоий” номи билан аталган бўлиб, кейинчалик “Воқеоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеаномайи Бобурий”, “Таворихи Бобурий”, “Бобурия”. “Бобурнома” номлари билан машҳур бўлиб келган. “Бобурнома” бир қанча тилларга таржима қилинган.

“Бобурнома”нинг форсча таржималари. “Бобурнома”ни форс тилига таржима қилишнинг биринчи ташаббускори Бобурнинг ўзи бўлиб, ўзи ҳаётлик вақтидаёқ мазкур асарни форс тилига таржима қилишларини сўраган эди. “Бобурнома”нинг *илк форсий таржимасини* амалга оширган Шайх Зайн ўз даврининг ўқимингли, зиёли одамларидан бўлиб, “Вақоий” таҳаллуси билан шеърлар ёзганлиги ҳам маълум. Шайх Зайн Бобурнинг мирзаси бўлгани учун, унинг фармонларини ўз таржимасига илова қилган. Бу таржима 932-933/1525-1526/ йиллар орасидаги ўн бир ойлик воқсаларни қараб олади [Мадраимов

* Алиппер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

А, 1974: 59]. Унинг учта нусхаси Британия музейида, битта нусхаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда [Отажонов, 2010: 108].

Иккинчи форсий таржима ташаббускори Бобурнинг чевараси Султон Салим асарни ўқиб каттиқ таъсирланади ва Мирзо Ҳасан Пояндахон Ғазнавийдан таржима улгуради, Муҳаммадқули Ҳисорий деган иккинчи таржимон 1586 йилда охирига матнининг бадийлигига путур етган [Хонимова, 2018]. Воқеаларда узилишлар жуда томонидан таржима қилинганини таъкидлаб ўтади. Ҳозирги кунда Британия музейида, камраб олмайди.

Акбаршоҳ замонида унинг топшириғи билан "Бобурнома" форс тилига **учинчи марта** 1589 йили шох Акбар саройида хизматда бўлган Абдурахимхон Байрамхон – Хопи Хонон томонидан таржима қилинган. Бу таржима анча мукамал бўлиб, услуби жиҳатидан асл нусхага яқин эди. Шунинг учун ҳам асарнинг бу таржимаси "иккинчи оригинал" сифатида тан олинади ва унга кўпроқ эътибор берилади [Мадраимов, 1974:58-62]. Агар Шайх Зайн ва Ҳасан Поянда таржималарида расмий адабий форсий тил талабларига амал қилинган, Бобурнинг ўзига хос тили бир мунча ўзгартирилиб, мавжуд тарихий мемуарлар услубига мослаштирилган бўлса, Абдурахимхон содда, туркона адабий тилнинг хусусиятларини сақлашга интилан.

Абдурахимхон таржимаси асарнинг Шарқда кенг тарқалишига йўл очди ва Европа шарқшуносларининг диққатини жалб этди. Манбаларда унинг 32 та қўлёзма нусхаси борлиги айтилади [Мадраимов, 1974:58-62]. Мазкур таржиманинг чиройли миниатюралар билан безатилган нусхалари Лондон, Париж, Ленинград, Калькутта кутубхоналарида сақланмоқда. Фотонусхаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида ҳам мавжуд.

Инглиз шарқшуноси Л.Кинг берган маълумотга қараганда, "Бобурнома" ўз асрида яна икки марта — Муҳаммадқули ва Зайниддин Хавофий томонидан форс тилига таржима қилинган. Бироқ бу таржима қўлёзмаларининг қаерда сақланишини олим айтмайди. "Бобурнома" юзасидан тадқиқот олиб борган олимларимизнинг таъкидлашларига кўра, жаҳон қўлёзма фондларида асарнинг форс-тожик тилидаги 68 та қўлёзма нусхалари мавжуд [Комилов, 1977: 28].

"Бобурнома"нинг туркча таржимаси. Асарнинг турк тилига таржима қилиниш жараёни матишунос олим Р.Р.Арат фаолияти билан боғлиқ. «Қутадғу билиг» ҳамда «Ҳибат ул-ҳақойиқ» каби асарлар таржимони бўлган Р.Р.Аратнинг энг қимматли иши «Бобурнома» таржимасидир.

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси «Veкауи» - Бобур хотироти» деган ном остида 1943-1946 йилларда икки жилд ҳолида нашр эттирилган бўлиб, унинг тартиби шундай: 1-жилд. Сўз боши (01-021), икки қисмдан иборат тарихий маълумотлар (023-0138), таржимон ўнсўзи (0139-0143) Вақоийъ. I биринчи бўлим – Фарғона воқеалари (1-128). Илова: Амир Темур шажараси (Мироншоҳ – Султон Махмуд –Абу Саид –Умаршайх – Бобуршоҳ тарзида) ва Чингизхон шажараси (Бобурнинг она аجدодлари шажараси) ҳар иккала сулоланинг шажараси. Иккала сулола Бобуршоҳ шахсида туташади.

2-жилд. Бобурнинг Топқону саройи музейидаги миниатюраси. II бўлим. Кобул воқеалари (129-284). III бўлим. Ҳиндистон воқеалари (285-432) IV бўлим. Иловалар: шахс ва жой номлари кўрсаткичи (437-570), Бобур қўллаган истилоҳ ва таъбирларнинг алифбо тартибидаги лугати (571-669), Бобуршоҳ келтирган туркча, форсча ва арабча шеърини парчаларнинг асардаги бет кўрсаткичлари (671-672), Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари (Бобур қадами етган жойлар) харитаси (673-675-бет) [Ҳайитов, 2018: 60].

Турк олими профессор Р.Р.Арат «Бобурнома»нинг илмий нашрини яратишда асарнинг 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон босмаси (Қир қўлёзмаси) ҳамда 1905 йилда А.Бевеиж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Хайдаробод қўлёзмаси)дан фойдаланади. Таржимон ушбу нашрлар ҳақида айрим мулоҳазаларини айтади. Унинг фикрича, «Бобурнома»нинг ушбу нашрларида катор камчиликлар бор. Р.Аратнинг Қир ва Хайдаробод нусхалари ушбу нашрларга нисбатан кўчирилганлиги шунинг кўрсатадики, Қир нусхаси тил хусусиятлари ва ҳажми борасидаги изланишлар нусхасидан қолишмайди. Бу қўлёзmanning қачон ва қим томонидан Хайдаробод номаълум. Қозон босмасига нисбатан баъзи бир нуқсонларга эга. Бу ҳақда Р.Арат шундай ёзади: «Бугун «Бобурнома»нинг икки нусхаси мавжуд, бири Қозон, яна бири Хайдаробод нусхаларидир. Қозон нусхаси хижрий 1126 йилда ёзилгани тахмин қилинади. Ва бу нусха 1737 йилда Абукаҳр томонидан кўчирилган. Тили жиҳатидан ниҳоятда янги бўлган ушбу нусха бошқа томондан у қадар ишончли эмас. Хайдаробод нусхаси тили жиҳатдан Қозон нусхасига нисбатан эски расмий услубда кўчирилган. Имловий ҳатолардан Қозон Лексин расмининг доғларини тозалашда асл матнининг баъзи жойлардан ҳолидир. Бошқа нусхалар эса, Бевеиж хониманинг қайд қилишича, қисман бузилган зарар етган келган. Хуллас, ҳар иккала нусха ҳам нуқсонлардан холи эмас» [Р.Р.Арат. 1987: 0140]. Р.Р.Арат томонидан тайёрланган «Бобурнома» таржимасининг диққатга сазовор бўлган жиҳатлардан бири киши исмлари, жўгрофий номлар кўрсаткичи А.С.Бевеиж нашрига кўра яхшиланганлигида кўринади.

Таржимада, шунингдек, Темурийлар ва Бобурнинг турк олими Хикмат Бойир талқинидаги тарихи, мукамал лугат, қисқа изоҳ ҳамда Бобур шажараси схемаси ўзига хос тарзда ақс эттирилган. Асарнинг туркча матнида киши исмлари, жўгрофий номлар кўрсаткичи, айниқса, Бобур Мирзонинг фармонлари тўлалигича келтирилмаган. Матнда кўпилаб узилишлар бор. Жумладан, бошқа кўпилаб таржималарда бўлгани каби, «Бобурнома»нинг туркча матнида ҳам 914 (1509) йил воқеалари тамомланмай қолган. Шундан кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ. Ўзбекча нашрга П.Шамсиев томонидан илова қилинган «Бобур қўл остига кирган жойлар даромадининг ҳисоби ва Бобуршоҳ фармони» туркча нашрга кирмай қолиб кетган.

«Бобурнома»нинг японча таржимаси. «Бобурнома»нинг илк нодир қўлёзмалари мавжуд бўлишига карамай, XX аср бошларига қадар асарнинг илмий танқидий матнини яратиш борасида жиддий тадқиқот олиб борилмаган эди. 1995 йилда япониялик олим, бобуршунос Эйжи Мано қарийб ўттиз йиллик изланишлари натижасида тўрт жилддан иборат «Бобурнома» илмий - танқидий матнини атамалар, киши, жой, қабила бошқа кўрсаткичларни илова қилиб, нашр эттирди [Отажонов, 2010: 8]. 1996 йилда шу нашрнинг давомий сифатида мукамал «Кўрсаткичлар» нашр этилди. Аввалроқ, 1983-84- йилларда эса олима «Бобурнома»нинг «Фарғона» ва «Қобул» қисмларини ҳам япон тилига таржима қилган эди. Эйжи Мано яратган матн «Бобурнома»нинг янги ва аслиятга янада яқинроқ таржималарининг яратилишида асосий манба ҳисобланади. Шу билан бир қаторда асар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар учун муҳим объект бўлиб қолади. Япон нашри барча фазилатлари билан бирга айрим нуқсон ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Эйжи Мано тайёрлаган танқидий матни Порсо Шамсиев нашри билан қиёслаганда айрим парча ва жумлалар тушиб қолганлиги аниқланган [Отажонов, 2010: 106.].

«Бобурнома»нинг ҳиндча таржимаси. «Бобурнома»нинг ҳиндча таржимаси таникли ҳинд таржимони Йугжит Навалпурий томонидан 1974 йилда амалга оширилган. Ушбу таржимада, бошқа таржималардан фарқли ўлароқ, изоҳлар жуда кўп, бу эса ўқувчига аниқроқ маълумот беришга, асарнинг конкретлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳиндча таржима ҳажми 521 бет, шундан 182 бети изоҳлар бўлиб, улар 2600 тадан кўпроқ [Иброҳимов, 2011: 26]. Изоҳлар бир-иккита сўз, ибора, гап ёки бир-икки саҳифа кўринишида учрайди. Аммо китобдан Бобур Мирзонинг форс тилида ёзилган фармонлари ва Ҳиндистондаги саркорлардан тушадиган йиллик даромадлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олмаган.

учинчи марта 1589 йили Абдурахимхон Байрамхон – Хони Хонон томонидан таржима қилинган). Европа шарқишунослари орасида *Витсен биринчи марта* "Бобурнома" билан кизиқиб, 1705 йилда асардаги Фарғона водийси географиясига оид тасвирлари таржима қилиб, Амстердамда нашр эттиради. Лекин ундан сал олдинроқ, 1697 йили француз шарқишуноси Бартоламе Эрбало Молсели "Шарк кутубхонаси" комусидаги "Бобур ва Бабар" номли мақоласида Захириддин Мухаммад Бобур ва Алишер Навоий ҳақида қисқача маълумот берган эди [Тешабоева З., 2018].

Бироқ Бобурнинг Европадаги чинакам шухрати роппа-роса юз йилдан кейин: XIX аср бошларида қарор топди. Бу ишда инглиз шарқишуносларининг хизмати катта бўлди. Улар асарни таржима қилиб, нашр эттиришдан ташқари, уни тадқиқ этиш борасида ҳам катта ишларни амалга оширдилар.

"Бобурнома"нинг **инглизча таржималари**. "Бобурнома"ни инглиз тилига *биринчи* марта таржима қилган Жон Лейден (форс тилидан ташқари яна эски ўзбек ва хинд тилларини ўзлаштирган билимдон шахс) ва Вильям Эрскин (форс адабиёти бўйича бир қанча тадқиқотлар муаллифи, Британия музейидаги кўйгина қўлёзмаларни тўплаган ва ўрганган атоқли шарқишунос) лар бир-бирдан беҳабар ҳолда иш бошлаган эди. Ҳар икки таржимол ҳам "Бобурнома" билан Хиндистонда танилган ва уни ўша ерда таржима қилишга киришган.

В.Эрскин Абдурахимхоннинг форсий нусхаси асосида таржимани 1811 йилдан бошлаб, 1817 йилда охирига етказди, бу орада у доктор Ж. Лейден ҳам "Бобурнома"ни инглизчага ўйрганини эшитиб қолади ва бу таржима билан тапширишга ошиқади.

Ж.Лейден бевақт вафот этиб, таржима охирига етказилмай қолган. Эрскин Лейден таржимасини кўргач, ўзиникидан катта фарқи борлигини билади. Эрскин таржималарини ва кейинчалик қўлга киритган туркий оригинал нусха билан батафсил солиштириб, иш давомида контекстга мос келмайдиган жойларни тузатиб, пухталаб боради [Иброхимов А. 2000] ва "Бобурнома" Лейден-Эрскин таржимаси номи билан 1826 йилда Лондонда чоп этилади [Отажонов Н. 1994]. Бу нашр 1921 йили Оксфорд университети наприёти томонидан кўп жилдли қилиб, иккинчи марта чоп этилди.

Таниқли инглиз шарқишуноси Ҳенри Бевериж 1900 йилда Ҳайдоровод шаҳридаги Саларжанг музейида "Бобурнома"нинг ўзбекча нусхасини топади [Комилов Н.1977]. Унинг рафикаси А.Бевериж хоним 1905 йили "Бобурнома"нинг Ҳайдоровод нусхасини Лондонда факсимилье холида чоп эттиради. (У 1971 йили Лондонда қайта нашр этилди). Мазкур нашр асарнинг яна кенгроқ оммалашувига сабаб бўлди. "Бобурнома"нинг М.Салъе бажарган русча таржимаси ҳамда 1960 йили П.Шамсиев ва С.Мирзаев тайёрлаган ўзбекча нашри ана шу А.Бевериж хоним нашрига асосланган. Қўлёзми синчиқлаб ўрганиб чиққан Бевериж хоним уни таржима қилишга киришади ва ўн йил давомида қисмларга бўлиб-бўлиб чоп эттиради, 1921 йилда эса ушбу таржима яхлит китоб ҳолида нашр этилади. Бу «Бобурнома»нинг **иккинчи** тўлиқ таржимаси эди.

Лейден-Эрскин таржимасидан А.Бевериж таржимасининг сезиларли фарқи бор. Бунга энг аввало орадаги вақт(салкам бир аср) сабаб эди. Ўтган давр мобайнида Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди, «Бобурнома» ҳақида маълумотлар анча бойиди, Бухоро нусхаси асосида Қозон босмаси юзага келди. Айни мана шу ўзгаришлар, табиийки, янги таржимада ўз аксини топди. Илмий изоҳларнинг мўллиги ва уларнинг ниҳоят даражада маълумотлилиги ушбу нашрнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

А.Бевериж таржимаси илмий таржимадир. Таржиманинг "Кириш" қисмида Бевериж хоним «Бобурнома»нинг таржима қилиниши, Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди, «Бобурнома»нинг номланиши каби қатор масалаларни тилга олади, айниқса, «Бобурнома»нинг қўлёзма нусхалари ҳақида батафсил маълумот беради. Китоб охирида киши исмлари, жўғрофий номлар, айрим сўзлар имлоси, маъноси ва этимологиясига бағишланган иловалар мавжуд, турли сўз ва атамалар кўрсаткичлари транскрипцияда берилган.

Бевериж таржимаси тўлиқлиги, илмий аниқлиги билан шарқшунослар эътирофига сазавор бўлган, кўп йиллар давомида ундан ишончли манба сифатида фойдаланиб келинди. Атоқли шарқшунос В.В.Бартольд «Бобурнома»нинг мазкур таржимасига тез-тез муурожаат қилганлиги, баъзи ўринларда ундаги айрим ноаниқликларни кўрсатиб ўтганлиги маълум. Масалан, Фарғона водийсидаги Кубо шахрининг номини Бевериж хоним Қабо (Кава) тарзида нотўғри ўқиганлигини, Эски Ахси шахрини йўқолиб кетган деган нотўғри хулоса берганлигини кўрсатиб ўтади. Дарҳақиқат, Бевериж таржимаси ҳам нуқсонлардан холи эмас. Хусусан, транскрипцияда чўзиқ “и”, “э” ва дифтонг “ай” товушлари фарқланмаган, чалкаштирилиб юборилган. Масалан, “Эшик ога” AISHIK AGHA, Турди Бек TARDI-BEK тарзида берилган [Отажонов Н. 1994].

Америкалик шарқшунос олим У Тэкстон ҳам Бевериж таржимасига танқидий муносабатда бўлади, уни деярли сўзма-сўз таржима қилганликда айблайди. Текстоннинг фикрича, А.Беверижнинг таржимаси талабаларнинг ишига ўхшайди, барча сўзлар худди лугатдагининг ўзгинаси, туркий ва инглизча сўзларни айнан мос келтиришга ҳаракат қилинган [Иброҳимов А. 2011].

«Бобурнома»нинг Лейден-Эрскин таржимаси ва А.Бевериж таржимасини таққослаб ўрганиб чиққан профессор Н.Отажоновнинг фикрича, инглиз таржимонлари асарнинг ўзига хослиги, бадний хусусиятларини сақлаб қолишга интиланлар. У таржималарнинг тили ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради: Лейден-Эрскин таржимасида услуб атайлаб инглиз ўқувчисига тушунарли қилиб танлангандай, аксинча, Беверижнинг таржимаси куруқроқ, илмий тилда битилган [Отажонов Н. 1998].

Қатор камчиликларига қарамай, Бевериж таржимаси даврий узилишлар мобайнида содир бўлган воқеаларни тиклаш учун ҳам хизмат қилади. Бунинг учун таржимон тарих, этнографияга оид 30дан ортиқ, ҳайвон ва ўсимликлар оламига оид 20га яқин, 15дан ортиқ лугат ҳамда бошқа манбаларни қиёслаб чиқади. Бобур Мирзонинг ҳарбий юришларини тиклаш учун 40га яқин ишончли картографик объектларни ўрганиб чиққан. Бу билан Бевериж хоним асарнинг матний, далилий жиҳатдан яхлитлигини тиклашга ҳаракат қилган [Отажонов Н. 1994].

Бевериж таржимасидан 75 йилдан сўнг 1996 йилда профессор У.Тэкстон қаламига мансуб **учинчи** тўлиқ таржима чоп этилди. Инглиз тилида иккита тўлиқ таржима бўла туриб америкалик шарқшуноснинг янги таржимага қўл уришини илмий жасорат дейиш мумкин.

Нашрнинг бошида, “Таржимон сўзбошиси” бўлиб, унда «Бобурнома»нинг матилари, таржималари, Европада «Бобурнома»га бўлган қизиқиш кабилар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари “Бобурнома»нинг жўрофияси, Чингизхонийлар ва Темурийлар тарихи тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. «Бобурнома»нинг охирида “Хронология”, нотаниш атамалар лугати (гlossарий), батафсил библиография, киши исмлари ва жой номлари кўрсаткичлари берилган. Умаршайх Мирзо ва Юнусхоннинг шажаралари, бир қатор хариталар, расмлар ва рангли фотосуратлар нашрнинг қимматини анча оширган. Таржиманинг яна бир ниҳоятда муҳим хусусияти – унда кўпдан-кўп, мукамал ҳамда ўта маълумотли изоҳларнинг берилганидир. Уларнинг сони 700га яқин [Иброҳимов А. 2011].

У.Тэкстоннинг мақсади “аслиятнинг хусусиятларини сақлаган ҳолда, ҳозирги замон инглиз тилига таржима қилишдан иборат” бўлган. Таржимон Бевериж хоним каби сўзма-сўз таржима қилиш йўлидан бормайди, эркин таржима қилиб, асар руҳига путур етказмасликка ҳаракат қилган ва ўйлаймизки, таржимон ўз мақсадига етган.

«Бобурнома»нинг 1960 йилдаги нашри билан солиштирганда У.Тэкстон таржимаси орқали талай хато, камчиликлар ва ноаниқликларни – айрим сўз ва атамаларнинг имлосидан тортиб, айрим жумлаларнинг таржимасигача – баргараф этиш имконияти мавжудлиги маълум бўлади.

"Бобурнома" Р.М.Калдекот томонидан инглиз тилига кискартириб турмуш килинди [Собиров М. 2002], XX аср охирларида Ф.Ж.Талбот ҳам асарни таржима қилиш суратлар билан нашр эттиради.

"Бобурнома"нинг французча таржималари. Француз илм ахлига Захириддин Мухаммад Бобур ва "Бобурнома" хақида илк маълумот берган француз шарқшуноси Бартоламе д'Эрбало ҳисобланади.

Француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш, у хақида талкиқотлар ёзиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1773 йилда шарқшунос А. Де Лонгпере ўзининг "Асарлар" тўпламида "Хатти Бобур хақида" мақоласини эълон қилди [Тешабоева З. 2018]. XIX асрга келиб Европа, хусусан, француз шарқшунослигида йилларда "Бобурнома"ни француз тилига таржима қилиш, унинг мати хусусиятларини ўрганиш, сиёсий-тарихий аҳамиятини баҳолашда эътиборга молик ишлар килинди.

"Бобурнома"ни француз тилига таржима ва талкиқ қилишга Анри Жюл Клапрот биринчилардан бўлиб киришди. 1824 йил А.Клапротнинг "Султон Бобур ёзуви "Бобурнома" тарихига оид кузатишлар" номли мақоласи босилиб чиқади [Иброҳимов А. 2000]. Марказий Осиё ва Сибирда яшаган халқлар тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганиш билган Клапрот Европа шарқшунослигида "Бобурнома" хусусида илк бор тўлақонли асар юритган эди. Муаллиф "Бобурнома"нинг айрим бобларини француз тилига ўғириб, таржималарини асл нусха билан қиёсий таҳлил қилади ва асар матнининг лисоний жиҳатлари хақида хулосалар чиқаради.

1854 йилда Парижда "Ҳозирги ва қадимда яшаган тарихий шахслар хаёти" номида катта китоб эълон қилинади. Мазкур китобдан шарқшунос М.Лангленинг "Захириддин Бобур хаёти ва ижоди" мақоласи ҳам ўрин олган эди. Мақолада Бобур хақидаги асосли маълумотларга нисбатан анча батафсил маълумот берилган эди.

XIX асрнинг 60-йилларида француз лексикографи Пер Ларуснинг "XIX аср француз комусий лугати" нинг кўпжилдлиги нашр этилди. Лугатнинг 2-жилдидан ўрин олган "Захириддин Мухаммад Бобур" мақоласи диққатга сазовордир [Тешабоева З. 2018].

Француз олимлари сўнгги йилларда Бобур тўғрисида тез-тез мақолалар нашр эттирар, китоблар нашр қилдирадди. Захириддин Мухаммад Бобур меросини ўрганиш "Бобурнома"ни таржима ва лисоний таржима қилишда француз туркологлари Анри Паве де Куртейл (1821-1889)нинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Француз коллежи (Коллеж де Франсе) туркий тиллар кафедраси мудири, француз академияси аъзоси, Санкт-Петербург фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган Паве де Куртейл ватани Францияда туркология илмининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Профессор А.Паве де Куртейлнинг олимлик фаолиятида у тузган "Шарқий-туркий тиллар лугати" ёзуви "Алишер Навоий, Захириддин Бобур ва Абулғози Баҳодирхон асарларини ўқиш учун изоҳли лугат" алоҳида аҳамиятга моликдир. Профессор А.Паве де Куртейлдаги бу катта тайёргарлик, эски ўзбек тили ва адабиётидан эгаллаган пухта билим уни "Бобурнома"ни таржима қилишга ундаган эди. 1871-йилда "Бобурнома"нинг Паве де Куртейл таржимаси икки жилдда нашрдан чиқди. Биринчи жилдда таржимоннинг ўн олти саҳифалик сўзбошиси берилган. Унда "Бобурнома"нинг ёзилиш жараёни, китобда келтирилган воқеалар, Бобуршоҳнинг Афғонистон ва Ҳиндистонда барпо этган қудратли империяси хусусида маълумотлар берилган.

1888-йил "Осиё журнали"нинг иккинчи жилдида шарқшунос Жюл Дарместет ўзининг "Кобул ёзувчилари. Бобуршоҳ ва бошқа мўғул шахзодаларининг қабр тошларидаги битиклар" номли мақоласини эълон қилганлиги, бобурийлар барпо этган мақбараларда битилган сўзлар маъноси билан танишишга ёрдам беради.

"Бобурнома"нинг А.Ж.Клапрот, А.Лонгпере, М.Лангле, А.Паве де Куртейл, Ф.Гренард, Баре-Граммон каби талкиқотчи ва таржимонлари Бобур меросининг тарихий-этнографик, библиографик ҳамда лингвистик жиҳатдан тавсиф қилиш билан Европада бобуршуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

“Бобурнома”нинг немисча таржималари. “Бобурнома”ни ўрганишда немис олимлари ҳам ҳисса қўшганлар. 1810 йилда шарқшунос, сайёҳ олим Юлиус фон Клапрот томонидан **биринчи** марта асардаги Фаргона водийси тасвири немис тилига таржима қилиниб, “Осиё адабиёти, тарихи ва тилшунослиги архиви” китобида Петербургда чоп этилади. Айтиб ўтиш лозимки, ўтирилган парчанинг ўзи ҳам тўлиқ ва мукамал эмас эди [Хўжаев Ф. 1970]. Клапрот таржимаси асл туркий тилдан ўтирилган. Нашр “Сўзбоши”сида муаллиф шундай ёзади: “Бобурнома” ...турк-татар тилида ёзилган асар бўлиб, унда Ҳиндистонда мўғул империясининг асосчиси бўлган Бобур ўзининг юришлари ва кўрган кечирганлари ҳақида маълумот беради. ..Бобур ўгли Мирзо Муҳаммад Комрон Баҳодирга ёзган хатига кўра, у бир асарни Ҳиндистондан Қандахорга юборган ва унда Фаргона вилоятининг тасвири берилган, ана шундан баъзи кизик жойларни олиб сизларга таржима қилиб беряпман”. Ушбу маълумотдан маълум бўлишича, Клапротнинг қўлида “Бобурнома”нинг қайсидир қўлёзма нусхаси ёки ундан бир парча мавжуд бўлган.

Клапрот таржимаси оригиналга сўзма-сўз мос келмайди, масалан, у “*тўққиз тарнов сув кирар*” --шаҳарда *тўққизта ҳовуз ва водопровод бор*; “*шаҳарнинг бирор жойидан ҳам чиқиб кетмайди*” --ҳаммасининг *манбайи бир жойда*; “*кирговул*”—лочин, бургут; “*кузлар эл безгак бўлур*”—кўз касалликлари; тарзида нотўғри таржима қилиб, аслиятдан йироқлашган. Таржимада биргина сўзнинг нотўғри берилиши натижасида китобхон бир миллат тўғрисида бошқа бир тасаввурга эга бўлиши мумкин. Масалан, “*кирговул*” сўзининг бургут деб таржима қилиниши натижасида немис китобхонида “*ўзбеклар бургут гўштини истеъмол қилишар экан*” деган тасаввур шаклланади. Ёки “*қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас*” бирлиги “*қовун сотиш қаттиқ тақиқланади*” тарзида миллий менталитетга зид таржима қилинган. Бундан ташқари баъзи географик жой номлари ҳам нотўғри берилган. Айтиш мумкинки, Клапрот таржимасида миллий колорит ҳам, оригиналнинг шираси ҳам йўқолган, оригиналдан ўтирилган бўлса-да, тилни мукамал билмаслиги аниқ сезилиб туради [Хўжаев Ф. 1970].

Бобурнома асари **иккинчи** бор 1828 йилда Лейпцигда А.Кайзер томонидан немис тилига ўтирилган [Комилов Н. 1977]. Таржимон асарни таржима қилиш мобайнида тўғридан-тўғри турк тилидан эмас, балки асарнинг инглизча таржимасидан фойдаланган. Асарнинг инглизча таржимаси икки хил вариантда бўлиб, биринчиси эски ўзбек тилидан Ж.Лейден ва иккинчиси форс тилидан У.Эрскин томонидан таржима қилинган. Ушбу икки таржимани умумлаштириб Кайзер эски ўзбек тили, форс, инглиз ва немис тиллари семантикасини ўрганиб чиқиб, асарни немис тилига муваффақиятли тарзда таржима қилган [Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. 2014]. Ушбу нашр аслиятга бирмунча яқин, таржима талабларига кўпроқ жавоб беради.

“Бобурнома”нинг русча таржимаси. Бобур ижодининг бебаҳо маҳсули бўлган “Бобурнома” шўролар даврида икки марта рус, икки марта ўзбек тилида тўлиқ нашр этилди. Бу нашрларга ёзилган сўзбоши муаллифлари “Бобурнома”нинг тарих ва бошқа фанлар учун улкан аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, асарнинг ўзбек бадиий адабиётидаги ноёб ёдгорлик эканлигини ҳам кўрсатиб ўтишган.

Рус олимларининг «Бобурнома»ни ўрганиши дастлабки даврда, асосан, қўлёзмалар кўчириш, чоп этиш билан чекланган. «Бобурнома»ни таржима қилиш масаласи узок вақтгача эътибордан четда қолган.

Араб тилининг йирик билимдони бўлган Георг-Якоб Керр ўзининг эски ўзбек тилидан билимини такомиллаштириш учун “Бобурнома” қўлёзмасидан нусха кўчира бошлаган ва 1737 йилда ишини тамомлаган. Бу қўлёзма 420 варақдан иборат бўлиб, тарихда “Керр нусхаси” ном билан қолган.

Нихоят, XIX асрнинг охирларига келиб, руслар асар таржимасига ҳам киришганлар, лекин айрим парчаларнигина ўтирилганлар. Жумладан, Н.И.Пантусов “Фаргона” қисмини, В.Вяткин “Самарқанд ва унинг теварак-атрофлари” ва С.Поляков ҳам асарнинг бир қисмини таржима қилган.

"Бобурнома"нинг мавжуд тўлиқ матни 1857 йили турколог олим Н.И.Ильминский томонидан Қозондаги типографияда сўзбоши билан босилган.

"Бобурнома" русчага тўлалигича *биринчи* марта мохир таржимон ва олим М. Салье томонидан бажарилди ва асар 1958 йили Тошкентда босмадан чиқарилди [Комилов Н. 1977]. М.Салье таржима устида 10 йилдан ортиқроқ меҳнат қилди, асар тилини чуқур ўрганди, беҳад кўп сонли атамалар, ибора ва номлар транскрипциясини бериш, шунингдек, Бобур каламнинг "мардона услубини" сақлашга муваффақ бўлди. Рус тилида "Бобурнома"ни ўқиган киши аслиятни ўқигандай тўғри ва мукамал тасаввурга эга бўлади. Шунга қарамай, М.Салье таржимасида бир талай ноаниқликлар мавжуд. "Бобурнома"даги бир қанча номлар нотўғри берилган. Чунончи, "буқаламун", "муча" каби баъзи сўз ва иборалар таржимасиз ва изоҳсиз келтирилгани сабабли рус китобхониغا тушунарсиз бўлиб қолган [Комилов Н. 1977]. Шейрий парчалар насрий таржимада берилиб, уларнинг қайси тилда ёзилгани ҳам кўрсатилмаган.

"Бобурнома"нинг рус тилига қилинган таржималари тадрижий жараён сифатида шаклланиб, сўнгги йилларда қилинган тадқиқотлар ва Ўзбекистонда асарни ўқиб-ўрганишга эътибор ортиб, қизиқарли рисоалар, китоблар чоп эттирилди, олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан "Бобурнома"нинг 2008 йилда З.Машрабов бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек олимлари: О.Юнусов, С.Ҳасанов, А.Қаюмовлар томонидан рус тилидаги навбатдаги таржимаси амалга оширилди [Тешабоева З. 2018].

Ўзбек насрининг бетакрор гўзал намунаси бўлган "Бобурнома" кўплаб соҳаларга доир билимларни қамраб олади. Унда муаллиф ўз кўзи билан кўрган, эшитган реал воқеа ва ҳодисаларни ишончли манбаларга асосланган ҳолда келтирган. Шунинг учун ҳам дунё туркологлари қайта ва қайта бу асарга мурожаат қилаверади. Асар ўз характери билан нафақат туркий тилдаги тарихнавислик- мемуарчиликда фавқуллодда янги ҳодиса, балки Шарқ маданияти тарихида ҳам ажойиб янгилик, нодир адабий обида сифатида ардоқланган. Шу сабабли у XVI асрдаёқ бир неча марта форс тилига, кейинчалик Европа тилларига бир неча марта таржима қилинди, нашр этилди, батафсил ўрганилди. Асар бутунга қадар дунёнинг 31 тилига таржима қилинганлиги ҳам бу асарнинг бебаҳолиги исботидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мадраимов А. "Бобурнома"нинг форс тилидаги кўлёмалари. "Ўзбек тили ва адабиёти" //1974 йил. 1-сон.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т., 2014.
3. Иброҳимов А.П. "Бобурнома" – буюк асар. –Т., 2000.
4. Иброҳимов А. "Бобурнома"даги хиндча сўзлар тадқиқи. Филол.фан.ном. ...дисс. – Т., 2011.
5. Комилов Н. "Бобурнома" таржималари. "Гулистон" //1977-йил. 3-сон.
6. Отажонов Н. Мукамал нашр йўлида//Шарқ юлдузи, 1990, 10-сон.
7. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида: киёсий-типологияк таҳлил. – Т., 1998;
8. Отажонов Н., Хошимова Д. Бобурнома- шарқ элчиси. Тошкент., 2010.
9. Рамиз Аскер. Baburnama, Вақ., 2011
10. Раҳимов Х. "Бобурнома"нинг олмонча таржималарига назар. //Бобур ва дунё. 2019., 1-сон.
11. Reşit Rahmeti Arat, Vekaı: Ankara-1986.
12. Саломов Ғ., Отажонов Н. "Жаҳонгашта "Бобурнома".-Т.: 1996.
13. Тешабоева З. "Бобурнома"даги фразеологияк бирликларнинг инглизча таржималари киёсий таҳлили. –Т., 2018.
14. Хошимова Д. "Бобурнома" асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари. Филол.фан.ном.... дисс. автореф.-Т., 2006.